

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИ**

МИРЗАРАХИМОВА ЗУЛЬФИЯ ХУСАНХОДЖАЕВНА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ФОНИДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2-ТУРИ
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА МИОКАРД ЭЛЕКТР БЕҚАРОРЛИК
ШАККЛАНИШИДА ГЛИКЕМИЯ ЎЗГАРУВЧАНЛИКНИНГ
АҲАМИЯТИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Table of contents of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Мирзарахимова Зулфия Хусанходжаевна

Юрак ишемик касаллиги фонида қандли диабет

2-тури билан оғриган беморларда миокард

электр беқарорлик шаклланишида гликемия

ўзгарувчанликнинг аҳамияти..... 3

Мирзарахимова Зулфия Хусанходжаевна

Роль вариабельности гликемии в

формировании электрической нестабильности

миокарда у больных с СД 2 типа на фоне ИБС.....27

Mirzarakhimova Zulfiya Khusanhodjaevna

The role of glycemic variability in the formation

of myocardial electrical instability in

IHD patients with type 2 diabetes mellitus.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИ**

МИРЗАРАХИМОВА ЗУЛЬФИЯ ХУСАНХОДЖАЕВНА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ФОНИДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2-ТУРИ
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА МИОКАРД ЭЛЕКТР БЕҚАРОРЛИК
ШАККЛАНИШИДА ГЛИКЕМИЯ ЎЗГАРУВЧАНЛИКНИНГ
АҲАМИЯТИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2022

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1141 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Республика Ихтисослаштирилган Кардиология Илмий Амалий Тиббиёт Марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Раҳимова Гулнара Нишановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нажмиддинова Дилором Камаритдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессо

Алимов Дониёр Анварович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» апр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (846 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» март куни тарқатилди.
(2022 йил «30» март даги 8 рақамли реестр баённомаси)



А. Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

С.И.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясига аннотация).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабдорлиги. Жаҳон миқёсида қандли диабет (ҚД) эпидемия даражасига етиб, унинг тарқалиши янада ошиб бормоқда. Қандли диабет ташҳисининг оқибатлари юрак ишемик касаллиги (ЮИК) оқибатлари каби ўта жиддийдир. Бундан ташқари, “ҚД (айниқса унинг 2-тури) юрак-қон томир касалликлари (ЮКТК) учун кластер хавф омилларининг ташувчиси ҳисобланади. ҚД билан оғриган катталар орасида 75% дан 85% гача беморларда артериал гипертензия учрайди, 70% дан 80% гача бўлган беморларда паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП) даражасининг кўтарилиши ва 60% дан 80% гача бўлган беморларда ёғ босиши кузатилади”.¹ ҚД эпидемияси тарқалиб боришининг кучайиши шароитида жаҳон миқёсида касалликни самаради ташхислаш ва даволаш амалиёти тобора долзарб муаммога айланиб бормоқда.

Дунёда ҚД билан кечадиган ЮИКни назорат қилиш ва даволашнинг янги имкониятлари, жумладан алоҳида аҳамият миокарднинг электр беқарорлиги билан биргаликда узоқ муддатли мониторинг ёрдамида баҳоланадиган гликемик вариабелликни (ўзгарувчанликни) назорат қилиш ва олиб бориладиган гипогликемик терапияни оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотларга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу борада юқори гликемик вариабеллик ва унга боғлиқ бўлган мураккаб юрак ритми бузилишларининг ривожланиш хавфини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш долзарб илмий масалаларда ҳимосбланмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига юқори сифатли ихтисослашган кардиологик хизмат кўрсатиш, даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш...»² каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан касалликнинг аҳамиятли даражада энцефалопатия ва сурункали буйрак касаллиги (СБК) каби омилларга боғлиқлигини ҳамда 2-тур қандли диабетдаги юрак ритми бузилишининг ва гликемик вариабелликнинг асосий хавф омилларини аниқлаш ҳамда юрак-қон томир касалликлари натижасида ўлимнинг олдини олиш ва ногиронликни камайтириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар

¹ Preis SR, Pencina MJ, Hwang SJ, et al. Trends in cardiovascular disease risk factors in individuals with and without diabetes mellitus in the Framingham Heart Study. *Circulation*. 2009; 120:212–220.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

кўламини янада кенгайтириш мақсадга муавофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-майдаги ПФ-4295-сон «2019-2021 йилларда Республика аҳолисига эндокринологик ёрдамни кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги йиллардаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқотчиларнинг асосий қисми автоном асаб тизимининг гипогликемик нуқтаи назардан зарарланишини тўсатдан ўлим ривожланишининг асосий патогенетик сабабларидан бири сифатида тан олади. Хусусан, Dan Streja, Chow J. ва бошқа тадқиқотчилар автоном регуляциянинг бузилиши гипогликемияни 25 мартаба оширишини ва бу, ўз навбатида, гипогликемиянинг такрорий эпизодларини келтириб чиқаришини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, Pearson E.C. ўз тадқиқотларида ЮИК билан оғриган беморларда ҚД нинг PQ оралиғининг узайиши билан корреляциясини исботлаган.

Manschot S.M., Biessels G.J. ва Cameron N.E. тадқиқотлари шуни кўрсатадики, юрак-қон томир касалликларининг ривожланишида 2-тур ҚД даги гипогликемия кексаликнинг салбий прогностик оқибатларига ва коморбид ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Owan T., Hodge D., Herges R. ўз илмий ишларида 30 дақиқадан кўпроқ вақт давомида гликемия даражасининг 3 ммоль/лдан паст бўлиши ва QTc нинг бу билан биргаликда узайиши, қоринча тахикардияси (ҚТ), қоринча фибрилляцияси (ҚФ) ва тўсатдан ўлим хавфининг ошишига олиб келишини исботладилар. Бундан ташқари, Фремингем тадқиқотида ҚДнинг юрак олд бўлими фибрилляциясининг (атриал фибрилляция-АФ) ривожланишида мустақил роль ўйнашини кўрсатди. Lee P. W., Zhang Q., Yip G. W. томонидан гипертония билан биргаликда қандли диабет билан оғриган беморларда, қандли диабет билан бўлмаган беморларга қараганда атриал фибрилляциянинг тез-тез кузатилишини исботланган. M.V. Kamath, E.L. Fallen, Lombardi F, Sandrone, S. Perngruner қандли диабет супервентрикуляр тахикардия (СТ) ва пароксизмал АФда синус тахикардиясининг сезиларли даражада юқори бўлишини исботлаган.

Гликемик вариабеллик ва юрак ритмининг бузилиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун, P.Kirchhof, A.Auricchio, J.Vax, H.Crijns, J.Camm қандли диабет ва ЮИК билан оғриган беморларда гликемия ва юрак аритмияларининг узоқ муддатли комбинацияланган синхрон мониторингини қўллаш самарадорлигини кўрсатган бўлишига қарамай, юқорида кўрсатилган параметрларнинг қондаги қанд миқдорини туширадиган терапия билан боғлиқлигини баҳоловчи тадқиқотлар ҳануз ўтказилмаган.

Бугунги кунга қадар қанд миқдорини туширадиган замонавий дори воситаларининг миокарднинг элетр беқарорлигида қўллаш самарадорлигини исботловчи маҳаллий ва хорижий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, қандли диабет билан оғриган беморларда юрак ритми бузилишининг кенг тарқалганлиги тадқиқот йўналишининг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг илмий-тадқиқот муассасасида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АДСС 1009 “Оғир юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларни даволаш ва реабилитация қилишнинг шахсийлаштирилган юқори технологияли усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 2-тур ҚД ва юрак ишемик касалликлари билан оғриган беморларда гликемиянинг суткалик тебранишларининг миокарднинг элетр беқарорлигига таъсирини гипогликемик терапияга кўра бир босқичли кунлик глюкокардиомониторинг ёрдамида аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

2-тур қандли диабет ва юракнинг ишемик касаллиги билан оғриган беморларда юрак аритмияларининг частотаси ва тузилишини таҳлил қилиш;

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда глюкозаланган гемоглобин даражаси ва юрак ишемик касаллигининг клиник кечиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет билан оғриган беморларда терапевтик диапазонга ва гликемик назоратга эришишга қараб юрак аритмияларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш;

гликемиянинг вариабеллигига қараб миокарднинг элетр беқарорлигини таҳлил қилиш;

гипогликемик терапияга боғлиқ равишда гипогликемия хавфини қиёсий баҳолаш;

беморларда гликемия суткалик тебранишларининг миокард элетр беқарорлигига таъсирини гипогликемик терапияга кўра бир босқичли кунлик глюкокардиомониторинг ёрдамида аниқлаш..

Тадқиқотнинг объекти сифатида юрак ишемик касалликлари 2-тур қандли диабет билан оғриган Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган 168 бемор, стационар ва

амбулатория шароитида даволанаётган 64 бемор олинган.

Тадқиқотнинг предметини беморларнинг клиник, функционал, инструментал ва лаборатория кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-биокимёвий (жигар ферментлари, липидлар, С реактив оқсил, углевод алмашинуви кўрсаткичлари), инструментал (ЭКГ, ЭхоКГ, Холтер мониторинг) ва статистик текширув усуллардаги фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гликирланган гемоглобиннинг юқори даражаси узок вақт давом этаётган қандли диабет, артериал гипертензия, атеросклероз жараёнларининг оғирлиги, дисциркулятор энцефалопатия ва сурункали буйрак касаллиги (СБК) каби омилларга боғлиқлиги аниқланган;

узок муддатли углевод алмашинувини кузатиш ёрдамида юрак ишемик касалликлари ва 2-тур қандли диабет билан оғирган беморларнинг фақат 49,4% оптимал терапевтик диапазонда ($TiR > 70\%$) жойлашиши исботланган;

коптокча фильтрация тезлиги (КФТ), касаллик давомийлиги, беморнинг ёши, шунингдек қандли диабет бўйича ирсиятдан иборат бўлган гликемик вариабелликнинг асосий хавф омиллари аниқланган;

2-тур қандли диабетдаги юрак ритми бузилишининг беморнинг ёши, сульфонилмочевина препаратларини қабул қилиш, икки ёки ундан ортиқ дорилар комбинацияси, қандли диабетнинг давомийлиги, ирсий қандли диабет бўйича оғир ирсий анамнезнинг мавжудлигидан иборат бўлганг асосий хавф омиллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган гликемия ва юрак ритми бузилишларининг синхрон узок муддатли мониторинги натижалари юрак ишемик касалликлари ва 2-тур қандли диабетда миокард электр беқарорлигининг клиник ва анамнестик кўрсаткичлар билан биргаликда бошланиши кўрсатиб берилган;

юрак ишемик касалликлари ва 2-тур қандли диабет билан оғирган беморларда гликемик вариабеллик, шунингдек юрак ритмининг бузилиши хавфини ҳисоблаш усуллари юрак-қон томир асоратларининг ривожланиш хавфини камайтиририш ва антигипергликемик терапияни танлашни шахсийлаштириш ни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мазкур тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, жалб этилган қандли диабет ва юрак ишемик касаллиги билан оғирган беморлар сонининг етарли эканлиги, замонавий статистик усуллардан мақсадли фойдаланилгани, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар ишлари билан таққослаш билан исботлангани ва илмий натижалар амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва асосланган хулосалар гликемик вариабеллик билан боғлиқ бўлган миокард электр

беқарорлиги ривожланишининг патогенезини ҳамда юрак ишемик касаллиги ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларнинг клиник-функционал кўрсаткичларини баҳолаш бўйича услубий аппаратни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юрак ишемик касаллиги ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда миокарднинг гликемик вариабеллиги ва электр беқарорлигини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бўлиб, бу антигипергликемик терапияни шахсийлаштириш ва юрак-қон томир асоратлари хавфини камайтиришга имкон яратгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Юрак ишемик касаллиги фонида қандли диабет 2-тури билан оғриган беморларда миокард электр беқарорлик шаклланишида гликемия ўзгарувчанликнинг аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда гликемик назоратни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "2-Тур қандли диабет билан оғриган беморларда гликемик назоратни оптималлаштириш имкониятлари" мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 8 н-р/509 – сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши 2 тур қандли диабет билан оғриган беморларда юрак қон томир касалликлари, хусусан юрак ритми бузилишларини билан бирга келганда гликемияни эрта ташхислаш ва уни назорат қилишни ва хавф омилларни эрта аниқлаш имконини берган;

юрак ишемик касаллиги ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда юрак ритми бузилишининг диагностикаси ва даволашни оптималлаштириш натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиали ва Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 08-09/8306-сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши юрак ритми бузилиши ва тез-тез учрайдиган гипогликемия билан оғриган беморларнинг хавф гуруҳини кенг миқёсда аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан, 5 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида маъруза ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та иш, жумладан, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 1 таси ҳорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб,

хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 128 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, ўрганиш натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Юрак ишемик касаллиги ва 2-тур қандли диабет ўртасидаги боғлиқликка замонавий қарашлар ва беморларни бошқаришни баҳолаш усуллари"** деб номланган **биринчи бобида** диссертация мавзусига бағишланган минтақавий ва халқаро илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили амалга оширилган. Адабиётларни кўриб чиқиш боби 4 та боб ости бўлимларидан иборат бўлиб, унда қандли диабет келиб чиқишининг ва ривожланишининг патогеник механизмлари, қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигининг кечиш хусусиятлари, гликемияни баҳолашнинг турли усуллари, унинг миокарднинг электр беқарорлиги билан боғлиқлиги (МЭБ) ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобига тадқиқотда қатнашган 2-тур қандли диабет билан кузатиладиган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларнинг ва қандли диабетсиз кечадиган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган усуллар, шунингдек натижаларни баҳолашнинг статистик усуллари киритилган. Илмий тадқиқот 2019 йилдан 2022 йилгача Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази базасида олиб борилган.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга кўра, ушбу тадқиқот проспектив обсервацион характерга эга. Тадқиқотда 2018-2020-йилларда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг турли бўлимларида тиббий кўрикдан ўтказилган юрак ишемик касаллиги ва 2-тур қандли диабет билан оғриган 168 нафар бемор (62 нафар аёл, 106 нафар эркак) иштирок этди. Беморларнинг ўртача ёши $59,5 \pm 10,4$ йилни ташкил этди. Тадқиқотда иштирок этиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: 2-тур қандли диабет билан биргаликда ангиографик тасдиқланган юрак ишемик касаллигининг мавжудлиги; юрак ишемик касаллигининг барқарор шакллари; беморнинг тадқиқотда иштирок этишга розилиги. Тадқиқотдан чиқарилишнинг мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: илгари кечирилган миокард инфаркти (МИ), ўткир бош мия қон айланишининг бузилиши (ЎБМҚАБ); юрак ишемик касаллигининг беқарор шакллари; бемор ёшининг

65 дан катта бўлиши; 1-тур қандли диабет, тиреотоксик бўқоқнинг (ТТБ) мавжудлиги; юрак ўнг бўлмасининг фибрилляцияси (АФ), 3Б босқичдан юқори бўлган сурункали буйрак касаллиги; қоринча аритмиясининг ишемик этиологияси, беморнинг тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиши. Таққослаш гуруҳи клиник жиҳатдан ва коронаро ангиография (КАГ) ёрдамида тасдиқланган ва қандли диабетсиз кечадиган юрак ишемик касаллиги билан оғриган ва таққосланадиган ёшда бўлган 64 нафар бемордан иборат эди.

Барча беморлар умумий клиник тадқиқотлардан, жумладан, тиббий кўрикдан, анамнезининг тўпланишидан, қон босимини, юрак уриш тезлигини ўлчашдан, аускультация, пальпация ва антропометрик маълумотларини ўрганиш жараёнларидан ўтказилган. CGM узоқ муддатли мониторинг тизими ёрдамида углевод алмашинувини баҳолаш FreeStyle Flash Libre глюкоза мониторинги тизими ёрдамида амалга оширилди. Ушбу қурилма билан глюкоза даражасини ўлчаш чегаралари 2,2 ммоль/л дан 22,2 ммоль/л гача оралиқни ташкил қилади. Тунги кузатиш даври сифатида кечки соат 22 дан кейинги куннинг эрталабки соат 7 гача бўлган вақти, кундузги кузатиш даври сифатида эрталабки соат 7 дан кечки соат 22 гача бўлган вақт белгиланган бўлиб, ҳар бир соат учун гликемиянинг ўртача кўрсаткичи, шунингдек гликемиянинг соатига максимал ва минимал қийматлари (амплитудаси) ва гипогликемия эпизодлари бўлган даврлар ўртасидаги вақт оралиғи ўрганилиб, баҳоланди. Тадқиқот давомида узлуксиз гликемик мониторинг тизимлари (УГМТ) ёрдамида амалга оширилган глюкоза экскурсияси остида нормогликемия (шифокор томонидан тавсия этилган) чегарасидан ташқарида бўлган глюкоза даражасининг тебраниши тушинилади; стандарт бўйича, экскурсия эпизод бошланган кундан ҳисобга олинади; УГМТ ёрдамида олиб борилган тадқиқотларда нормогликемия даври остида адабиётда (Shichiri M. ва ҳаммуаллифлар, 2000; Vode W.W. ва ҳаммуаллифлар, 2005) тавсия этилган 3,9 дан 10 ммоль/л гача бўлган глюкоза даражаси тушунилади.

Узлуксиз гликемия мониторинги бўйича 2017 йилги халқаро кўрсатмаларга мувофиқ биз куйидаги кўрсаткичларни баҳоладик: TiR (3,9-10 ммоль/л) терапевтик диапазонда ўтказилган вақт; гликемик варибеллик - SD; эгри чизик остидаги майдон (Area Under Curve — AUC) глюкоза даражасидаги постпрандиал тебранишларни акс эттиради ва тадқиқот мақсадларида тавсия этилади; гипогликемия ва гипергликемиянинг "хавф" индексларини баҳолаш учун дастлаб қондаги глюкоза даражасини ўз-ўзини назорат қилиш маълумотларини таҳлил қилиш ва кейинчалик узлуксиз гликемия мониторингининг маълумотлари билан таҳлил қилиш учун Kovatchev ва ҳаммуаллифлари тарафидан таклиф этилган Low Blood Glucose Index — LBGi ва High Blood Glucose Index — HBGi кўрсаткичлари тавсия этилади. Олинган маълумотлар Statistica 6.0 (StatSoft, USA) амалий дастурлар пакети ёрдамида қайта ишланди. Кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги параметрик бўлмаган χ^2 (Пирсон тести) ёрдамида баҳоланди. Оддий тақсимотга эга бўлган микдорий кўрсаткичлар $M \pm SD$ шаклида тақдим этилди. Корреляцияни

баҳолаш учун биз Спирман бўйича даражали корреляция усулидан фойдаландик. Корреляция коэффициентини (r) баҳолашда -1 дан +1 гача бўлган қийматлар ҳисобга олинди. $r = 1$ да корреляция кўрсаткичи тўғри боғлиқликни, $r = -1$ да эса қарши тескари боғлиқликни кўрсатди. $r > 0,7$ да ўзаро таъсир кучли бўлиб, r 0,5дан 0,69 гача бўлган ораликда – ўрта; 0,3 дан 0,49 гача – ўртамиёна; $r < 0,29$ да – кучсиз сифатида белгиланди. Омилларнинг прогностик аҳамияти ROC таҳлили ёрдамида баҳоланди. ROC эгри чизиғи остидаги майдон стандарт формула ёрдамида аниқланди: $AUC = (Se+Sp)/2$; бу ерда Se (sensitivity - сезгирлик), Sp (specificity – ўзига хосликдир). Фарқлар $p < 0,05$ кўрсаткичида статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланди.

«Ўз натижалари» деб номланувчи **учинчи боб** 4 та боб ости бўлимларидан иборат. **“Беморларнинг клиник характеристикалари”** деб номланган боб ости бўлимида қандли диабет билан ва қандли диабетсиз юрак ишемия касаллиги билан оғриган беморлар гуруҳлари тавсифланган. Ўрганилаётган гуруҳлардаги клиник ва анамнестик кўрсаткичларнинг таҳлили қандли диабет билан биргаликда юрак ишемик касаллиги семиришни, қандли диабет билан боғлиқ ирсиятнинг оғирлашишини, буйракларнинг филтрлаш қобилиятининг пасайишини ва дисциркулятор энцефалопатиянинг ишончли тарзда тез-тез келиб чиқишини кўрсатди.

Иккинчи боб ости бўлимида қандли диабет билан ва қандли диабетсиз юрак ишемик касалликлари билан оғриган беморлар гуруҳларида юрак ритмининг бузилиш хусусиятлари таққосланди. Миокарднинг электр бекарорлиги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили қандли диабетнинг сезиларли даражада юқори градацияли қоринча экстрасистолияси (КЭС), шунингдек юрак ўнг бўлмасининг фибрилляцияси билан боғлиқлигини кўрсатди. Симпатикотония ва юрак ритмининг умумий вариабеллигини тавсифловчи кўрсаткичлар қандли диабет билан оғриган беморлар гуруҳида ишончли тарзда юқори эди.

Учинчи боб ости бўлимида гликатланган гемоглобин даражасига қараб клиник ва анамнестик параметрларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлили натижалари келтирилган. Гликатланган гемоглобин даражаси $\geq 7,0\%$ бўлган беморлар гуруҳида беморларнинг катта қисми гликатланган гемоглобин $< 7,0\%$ ($\chi^2=5,72$; $p=0,02$) бўлган ва беморларнинг 23,6% дан ташкил топган гуруҳига нисбатан 76,4% ташкил этди. $HbA1c \geq 7,0\%$ бўлган гуруҳда артериал гипертензия ҳолатлари ишончли тарзда тез-тез қайд этилган бўлиб 81,8% ни ташкил этган бўлса, $HbA1c < 7,0\%$ бўлган гуруҳда артериал гипертензиядан азоб чеккан беморлар 62,1% ни ташкил қилди ($\chi^2=7,9$; $p=0,005$). 75 дан юқори гликатланган гемоглобин кўпинча СБКнинг 3Б босқичи билан боғлиқ эканлиги аниқланди ($\chi^2=6,82$; $p=0,01$). Диабетик нейропатия $HbA1c \geq 7,0\%$ бўлган беморларда ишончли тарзда тез-тез учраган ва беморларнинг 90% да кузатилган, $HbA1c < 7,0\%$ бўлган беморларда бу асорат фақат 53,4% беморларда кузатилган ($\chi^2=29$; $p < 0,0001$). Дисциркулятор энцефалопатия $HbA1c \geq 7,0\%$ бўлган беморларнинг 59,1%да, $HbA1c < 7,0\%$ бўлган

беморларнинг эса 36,2%да учраган ($\chi^2=7,96$; $p=0,005$).

Тўртинчи боб ости бўлимида гликатланган гемоглобиннинг турли даражаларига эга бўлган гуруҳлардаги клиник шикоятларнинг тўлиқ таҳлили берилган. Гуруҳлар кўкрак оғриғи шикоятларининг частотаси бўйича ишончли тарзда фарқ қилди. Масалан, HbA1c <7,0% бўлган гуруҳда бундай оғриқ 19 (32,8%) беморда кузатилган, HbA1c \geq 7,0% бўлган гуруҳда эса кўкрак оғриғи 76 (69,1%) беморда кузатилган ($\chi^2=20,4$ $p<0,0001$). HbA1c <7,0% бўлган гуруҳдаги 3 (5,2%) бемор оғиз қуришига шикоят қилган, HbA1c \geq 7,0% бўлган беморлар гуруҳида бу шикоят 59 (53,6%) нафар беморда кузатилган ($\chi^2=38,3$ $p<0,0001$). Бундан ташқари, худди шу гуруҳдаги беморлардан 38 нафари чанқоқлик кучайганидан шикоят қилишган. Бош оғриғи шикоятларида ҳам сезиларли фарқ аниқланди. Масалан, HbA1c <7,0% бўлган гуруҳда бош оғриғи 8 (13,8%) нафар беморда кузатилган бўлса, декомпенсацияланган қандли диабет билан оғриган беморлар гуруҳида бундан азоб чеккан беморларнинг сони 32 (29,1%) ташкил этди ($\chi^2=4,9$ $p=0,03$). Мухим фарқлар йўқлигига қарамай, HbA1c \geq 7,0% бўлган беморлар гуруҳида нафас қисилиши (43,6%), ҳаво етишмаслиги (11,8%) ва қон босимининг ошиши (60%) шикоятлари кўпроқ кузатилган.

«Турли даражадаги терапевтик диапазонга эга бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда юрак ишемик касаллигининг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган 4 бобда узоқ муддатли мониторинг маълумотларига кўра, беморлар TiR \geq 70% ($n = 83$) va TiR <70% ($n = 85$) бўлган икки гуруҳга бўлинган. Қандли диабетнинг давомийлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, TiR<70% гуруҳида қандли диабетнинг давомийлиги ишончли даражада юқори бўлиб, $8,6\pm 4,5$ ташкил этган бўлса, TiR \geq 70% гуруҳида қандли диабетнинг ўртача давомийлиги $5,8\pm 4,5$ ни ($p<0,0001$) ташкил этди. Гуруҳлар артериал гипертензиянинг учраши частотаси бўйича ҳам ишончли фарқ қилди, у TiR <70% бўлган гуруҳда 85,9% ни ташкил қилиб, 63,9% ни ташкил қилган TiR \geq 70% гуруҳига нисбатан тез-тез учраган ($\chi^2=10,9$ $p<0,0001$).

TiR етарли эмаслиги диабетик нейропатиянинг 59% га нисбатан 95,5% (31,5; $p<0,0001$) ҳолатда, дисциркулятор энцефалопатиянинг 38,6% га нисбатан 63,5% (31,5; $p<0,0001$) ҳолатда, шунингдек диабетик полинейропатиянинг 33,7% га нисбатан 78,8% (31,5; $p<0,0001$) ҳолатда кузатилишга сабаб бўлишини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Гипогликемия белгиларининг оғирлигини таҳлил қилиш, TiR етарли бўлмаган беморлар гуруҳида гипогликемиянинг умумий кўрсаткичининг сезиларли даражада юқори эканлигини аниқлади, бу ерда у $16,0\pm 6,1$ баллни ташкил этди, шу билан бирга, етарли терапевтик диапазонга эга бўлган гуруҳда максимал гипогликемия кўрсаткичи $11,3\pm 7,9$ баллни ташкил этди ($p<0,0001$).

Турли хил терапевтик диапазонга эга бўлган гуруҳларда юрак ритми бузилишининг тарқалишини ўрганиш, юрак аритмияси билан касалланиш даражасида гуруҳлар орасида деярли фарқ йўқлигини кўрсатди (1-жадвал).

Мухим фарқлар фақат $TiR < 70\%$ бўлган гуруҳда ишончли частотада юзага келган бўлиб, 55,3% ни ташкил қилган жуфтланган ҚЭС ларга тегишли эди, $TiR \geq 70\%$ бўлган гуруҳда эса 4а синф ҚЭС беморларнинг 36,1% да аниқланди ($\chi^2=6,20$; $p=0,01$). Юрак ўнг бўлмаси фибрилляциясининг пароксизмалари кўп ҳолларда терапевтик диапазонга аҳамиятли даражада эришмаслик билан боғлиқ бўлган - 18,1%га нисбатан 40% ҳолатда ($\chi^2=9,77$; $p=0,002$).

1-жадвал.

Терапевтик диапазонда давомат вақти турли бўлган гуруҳлардаги беморларнинг клиник ва анамнестик хусусиятлари ва гипогликемия эпизодларининг частотаси

Кўрсаткичлар	$TiR \geq 70\%$				$TiR < 70\%$			
	TBR <4%; TAR ≤30%, n=45		TBR ≥4%; TAR ≤30%, n=38		TBR <4%; TAR >30%, n=52		TBR ≥4%; TAR >30%, n=33	
	n	%	n	%	n	%	n	%
Эркакларда	26	57,8	26	68,4	32	61,5	20	60,6
Айллarda	19	42,2	12	31,6	20	38,5	13	39,4
ҚД нинг давомийлиги								
5 йилгача	14	31,1	16	42,1	13	25,0	7	21,2
5-10 йилгача	31	68,9	22	57,9	39	75,0	26	78,8
ГК	17	37,8	36	94,7*	41	78,8	32	97,0*
СБК 1	13	28,9	11	28,9	8	15,4	7	21,2
СБК 2	21	46,7	14	36,8	30	57,7	6	18,2*
СБК 3 а	4	8,9	5	13,2	7	13,5	9	27,3
СБК 3 б	7	15,6	8	21,1	7	13,5	11	33,3*
ДПНП	12	26,7	37	97,4*	49	94,2	32	97,0
ДисЭнцефал	5	11,1	27	71,1*	31	59,6	23	69,7
СЮЕ 1-ФС								
2-ФС	18	40,0	8	21,1	16	30,8	10	30,3
3-ФС	5	11,1	19	50,0*	24	46,2	21	63,6

Терапевтик диапазонга эришиш даражасига қараб юрак ритмининг вариабеллигини таҳлил қилиш ўрганилаётган параметрларда сезиларли фарқлар йўқлигини кўрсатган бўлиб, бундан фақат кўрсаткичлари TiR даражаси паст бўлган гуруҳларда сезиларли даражада кўп учраган ва 47,1% беморни ташкил қилган SDNN нинг чизиқли кўрсаткичи мустасно бўлди, аксинча, етарли терапевтик диапазонга эга бўлган гуруҳда бу кўрсаткич беморларнинг 30,1% да кузатилган ($\chi^2=5,08$; $p=0,03$). QTc интервалининг давомийлигини таҳлил қилиш ўрганилган гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни аниқламади. $TiR \geq 70\%$ гуруҳида QTc $448,6 \pm 24,8$ мс бўлган бўлса, $TiR < 70\%$ гуруҳида $454,9 \pm 21,1$ мс ($p=0,08$) эди. $TiR \geq 70\%$ ва $TiR < 70\%$ ($p=0,24$) бўлган гуруҳларда кундузги QTc мос равишда $437,1 \pm 16,4$ мс ва $440,5 \pm 20,3$ мс бўлган. $TiR \geq 70\%$ ва $TiR < 70\%$ ($p=0,31$) бўлган гуруҳларда тунги QTc мос

равишда $456,5 \pm 19,9$ мс ва $459,8 \pm 21,7$ мс эди. «ЮИК кечишининг хусусиятлари, TAR ва TBR га боғлиқ бўлган миокарднинг электр беқарорлиги ҳолати» деб номланган кичик бўлимда турли терапевтик диапазонга эга бўлган гуруҳлар беморлари кўшимча равишда кичик гуруҳларга бўлинган. Шундай, $TiR \geq 70\%$ ва $TiR < 70\%$ бўлган беморлар гуруҳларида беморлар $TBR < 4\%$; $TAR \leq 30\%$; ва $TBR \geq 4\%$; $TAR \geq 30\%$ мезонлари билан кичик гуруҳларга бўлинган. Клиник ва анамнестик кўрсаткичлар бўйича гуруҳларнинг қиёсий таҳлили, гипогликемия частотасига қараб, ҳатто гликемия даражаси $\geq 70\%$ терапевтик диапазонда бўлса ҳам, эпизодлар частотасининг 4% дан ошишида қуйидаги фарқларнинг тез-тез кузатилишига олиб келишни кўрсатди.

Масалан, $TiR \geq 70\%$, аммо $\geq 4\%$ бўлган гуруҳда гипертониядан азоб чеккан беморларнинг сони аҳамиятли даражада кўпроқ бўлган (94,7%), аксинча $\geq 4\%$ бўлган гуруҳда бу касаллик 34,8% беморда учраган ($\chi^2=29,0$; $p < 0,0001$). Шунга ўхшаш ҳолат TiR етарли бўлмаган беморлар гуруҳида кузатилган бўлиб, бу ерда АГ гипогликемия эпизодлари тез-тез бўлиб турган гуруҳда кўпроқ кузатилган (78,8%га нисбатан 97% ҳолатда, $\chi^2=5,47$; $p=0,02$).

TiR даражасидан қатъий назар, СБК нинг оғир кечиши гипокликемиянинг частотасига боғлиқ бўлганига қарамай, TiR даражаси паст бўлган беморлар гуруҳида сезиларли фарқлар фақат СБК нинг 2 ва 3б босқичларида аниқланган бўлиб, гипогликемия частотаси баланд бўлган гуруҳда 18,2% беморга СБК ташхиси қўйилган бўлса, гипогликемия эпизодлари частотаси баланд гуруҳда 2 босқич СБК 57,7% беморда аниқланган ($\chi^2=12,9$; $p < 0,0001$). Баланд гипогликемия частотаси ва паст TiR бўлган ҳар учинчи беморда 3б босқич СБК учраган. TiR етарли даражада бўлган, фақат гликемия эпизодларининг частотаси ўзгариб турган гуруҳда ДПН частотасида сезиларли фарқланиш кузатилди. Шундай, эпизодларнинг тез-тез қайталаниши 97,4% ҳолларда ДПН билан боғлиқ бўлган, бунга қарши, гипогликемия эпизодлари $< 4\%$ бўлган гуруҳда 26,7% ҳолларда диагностика қилинган ($\chi^2=42,6$; $p < 0,0001$). Шунга ўхшаш фарқлар TiR етарли бўлган гуруҳда ДисЭ нинг частотасини таҳлил қилиш жараёнида ҳам аниқланган. Ушбу гуруҳда гликемия эпизодларининг частотаси 71,1% ҳолларда ДисЭ билан боғлиқ бўлган бўлса, бу кўрсаткич гипогликемик эпизодлар 4% дан кам бўлган гуруҳда 11,1% ни ташкил қилган ($\chi^2=31,2$; $p < 0,0001$). Тез-тез учрайдиган гипогликемия эпизодлари сурункали буйрак касаллигининг юқори функционал синфлари (СБК ФС) билан биргаликда кузатилган. Шундай, TiR етарли бўлган гуруҳда гипогликемия эпизодлари частотаси юқори бўлган ҳар иккинчи беморда 3 ФС СБК аломатлари кузатилган.

Гипогликемия сўровномаси маълумотларини таҳлил қилиш, терапевтик диапазон даражасидан қатъий назар, гипогликемиянинг турли кўрсаткичлари бўлган кичик гуруҳлар ўртасида ишончли фарқларни аниқлади. Масалан, оптимал TiR билан, лекин гипогликемия тез-тез учраган беморларда “Кўпинча” опцияси $13,9 \pm 5,8$ балл тўплаган, аксинча, гипогликемия

эпизодлари 4% дан кам бўлган ва TiR етарли бўлмаган беморлар гуруҳида “Кўпинча” опциясидаги ўртача балл $10,1 \pm 6,21$ қарши $13,6 \pm 5,4$ баллни ташкил қилган ($p < 0,001$). Якуний гипогликемия кўрсаткичи TiR етарли бўлган ва гипогликемия частотаси юқори бўлган гуруҳда $19,1 \pm 2,7$ баллни ташкил этган бўлса, гипогликемия частотаси 4% дан кам бўлган гуруҳда бу кўрсаткич $4,78 \pm 3,83$ ($p < 0,0001$) баллни ташкил этган. Терапевтик диапазонга етарли даражада эриша олмаган, аммо гипогликемия эпизодларининг юқори частотаси бўлган гуруҳда умумий гипогликемия кўрсаткичи $19,6 \pm 2,3$ баллни, гипогликемия эпизодлари кам учрайдиган гуруҳда $13,7 \pm 6,6$ ($p < 0,0001$) баллни ташкил этган. Сўровнома маълумотлари бўйича ўтказилган сифатли таҳлиллар натижасида 97,4% ва 93,9% гликемия эпизодларининг частотаси юқори бўлган бемор ва 2,2% ва 42,3% гликемия эпизодлари 4% дан кам булган беморлар аниқланган.

Гипогликемия эпизодларининг частотасига қараб юрак аритмияларининг аниқланишини қиёсий таҳлил қилиш гуруҳлар ўртасида ишончли фарқларни аниқлади. Масалан, етарли терапевтик диапазонга эга бўлган, аммо гипогликемия эпизодларининг частотаси юқори бўлган беморлар гуруҳида соатига 30 дан кўп шаклда тез-тез учрайдиган ҚЭС ҳолатлари гипогликемия частотаси 4% дан кам бўлган ва 73,3% ни ташкил этган гуруҳга нисбатан 94,7% ни ташкил этди ($\chi^2 = 6,73$; $p = 0,01$). TiR етарли бўлмаган гуруҳда шунга ўхшаш фарқлар кузатилган бўлсада, аҳамиятли даражаларга чиқмаган, бу ерда бу кўрсаткич гипо $\geq 4\%$ ва гипо $< 4\%$ бўлган беморлар гуруҳида мос равишда 93,9% ва 82,7% ни ташкил этган ($\chi^2 = 2,27$; $p = 0,13$).

Политопик ҚЭС га келсак, бу борада биз ишончли фарқларни кузатмадик.

Бирок, TiR даражасидан қатъи назар, гипогликемия эпизодларининг частотаси юқори бўлган беморлар гуруҳида у ишончли даражада тез-тез учраган.

Терапевтик диапазон даражасидан қатъи назар, гипогликемия частотаси юқори бўлган гуруҳда жуфтланган ҚЭС сезиларли даражада кенг тарқалган. Масалан, $TiR \geq 70\%$ ва гипо $\geq 4\%$ бўлган гуруҳда у 50%ни, $TiR \geq 70\%$ ва гипо 4% дан кам бўлган гуруҳда - 24,4% ни ташкил этган ($\chi^2 = 5,83$; $p = 0,02$). $TiR < 70\%$ ва гипогликемия эпизодлари частотаси 4% дан ортиқ бўлган беморларда жуфтланган ҚЭС 75,8% беморда аниқланган бўлса, гипогликемия эпизодлари 4% дан кам бўлган беморларда IVA синф ҚЭС 42,3% беморда кўрилган ($\chi^2 = 9,14$; $p = 0,003$).

TiR дан қатъи назар, гуруҳли ҚЭС ларнинг пайдо бўлиш частотасини қиёсий таҳлил қилишда ишончли фарқлар аниқланди. Масалан, $TiR \geq 70\%$ ва гипо эпизодлар частотаси $\geq 4\%$ бўлган гуруҳда ҚЭС гипогликемия частотаси 4% дан кам бўлган гуруҳдаги 6,7% кўрсаткичга нисбатан 31,6% беморда кузатилган ($\chi^2 = 8,64$; $p = 0,004$). $TiR < 70\%$ ва гипо эпизодларининг частотаси $\geq 4\%$ бўлган гуруҳда гуруҳли ҚЭС 45,5% беморда кузатилган бўлса, $TiR < 70\%$ ва гипо эпизодлари частотаси 4% дан кам бўлган гуруҳда ҚЭС IVB 45,5% беморда, $TiR < 70\%$ ва эпизодлар частотаси 4% дан юқори бўлган беморларда

15,4% ташкил этди ($\chi^2=9,25$; $p=0,003$).

2-жадвал.

Таққосланган гуруҳларда ритм бузилишларини таҳлил қилиш

Кўрсаткичлар	TiR $\geq 70\%$, n=83				TiR $< 70\%$, n=85			
	TBR $<4\%$; TAR $\leq 30\%$, n=45		TBR $\geq 4\%$; TAR $\leq 30\%$, n=38		TBR $<4\%$; TAR $>30\%$, n=52		TBR $\geq 4\%$; TAR $>30\%$, n=33	
	n	%	n	%	n	%	n	%
Лаун бўйича 2 синф ҚЭС	33	73,3	36	94,7	43	82,7	31	93,9
ҚЭС III	16	35,6	19	50,0	24	46,2	15	45,5
ҚЭС IV A	11	24,4	19	50,0	22	42,3	25	75,8
ҚЭС IV B	3	6,7	12	31,6	8	15,4	15	45,5
ҚТ	2	4,4	4	10,5	3	5,8	8	24,2
ҚЭС	42	93,3	37	97,4	51	98,1	33	100,0
АФ	9	20,0	6	15,8	15	28,8	19	57,6

Қоринча тахикардияси TiR 70% дан кам бўлган ва гипогликемия эпизодлари частотаси 4% дан ортиқ бўлган гуруҳда ишончли тарзда кўпроқ учраган ва 24,2% ни ташкил этган бўлса, гипогликемия эпизодлари частотаси 4% дан кам бўлган гуруҳда бу кўрсаткич 5,8% ни ташкил этди ($\chi^2=6,12$; $p=0,01$).

Худди шундай ҳолат АФ частотасида ҳам кузатилган. Агар етарли терапевтик диапазонга эга бўлган, лекин гипогликемия частотаси фарқли бўлган гуруҳда АФ билан касалланганларнинг сони бир хил маромда тақсимланган бўлса, АФ билан касалланишнинг бир хил тақсимланиши кузатилган бўлса, терапевтик диапазони етарли бўлмаган ва гипогликемия частотаси юқори бўлган гуруҳда АФ тез-тез учраб турадиган ҳол бўлиб, гипогликемия частотаси 4% дан кам бўлган гуруҳининг 28,8% ли кўрсаткичига нисбатан 57,6% ни ташкил этган ($\chi^2=4,55$; $p=0,03$).

Гипогликемия эпизодларининг частотаси турли бўлган кичик TiR гуруҳларида юрак ритми вариабеллигини (ЮРВ) ўрганиш жараёнида ишончли фарқ аниқланмади. TiR етарли бўлмаган ва гипогликемия частотаси турли бўлган беморлар гуруҳида қизиқарли маълумотлар олинди. Масалан, умумий қувват (TP) нинг 2000мс² дан паст бўлиши гипогликемия эпизодлари частотаси юқори бўлган гуруҳда 78,8% беморларда, гипогликемия эпизодлари 4% дан паст бўлган гуруҳда 42,3% беморларда учради ($\chi^2=10,9$; $p<0,0001$). TiR даражаси паст, аммо тез-тез гипогликемия бўлиб турган гуруҳда паст частотали компонентларнинг камайиши ҳолатлари ишончли даражада кўпроқ бўлди. Масалан, гипогликемия эпизодлари 4% дан ортиқ бўлган гуруҳда LF <35 мс² билар беморларнинг сони 66,7%, гипогликемия эпизодлари 4% дан кам бўлган гуруҳида эса 38,5% ташкил қилди ($\chi^2=6,43$; $p=0,02$). 100мс дан паст ВРС SDNN кўрсаткичи ҳам гипогликемия эпизодларининг частотаси юқори бўлган беморларда сезиларли даражада кўпроқ кузатилиб, 63,6%ни

ташқидл этган, гипогликемия эпизодлари 4% дан кам бўлган гуруҳида эса бу кўрсаткич 36,5% ни ташқил этди ($\chi^2=5,95$; $p=0,02$).

20 дан кам триангуляр индекс кўрсаткичи гипогликемия частотаси 4% дан ортиқ бўлган гуруҳда ишончли тарзда тез-тез учраган ва 54,5% ни ташқил этган бўлса, гипогликемия частотаси 4% дан кам бўлган гуруҳда бу кўрсаткичнинг 30,8% гача пасайиши кузатилган ($\chi^2=4,76$ $p=0,03$). Ўртача QTc қийматларининг қиёсий таҳлили ўрганилаётган кичик гуруҳларда сезиларли фарқларни аниқлади. Масалан, $TiR \geq 70\%$, гипо $<4\%$; гипер $\leq 30\%$ бўлган гуруҳда QTc нинг ўртача қиймати $295,6 \pm 78,1$ мс ни ташқил этган, $TiR \geq 70\%$, гипер $\leq 30\%$, аммо гипогликемия эпизодлари 4%дан ортиқ бўлган кичик гуруҳда бу кўрсаткич анча юқори бўлиб, $401,0 \pm 42,3$ мс ($p < 0,00001$) ташқил этди.

"Гипогликемик препаратларни қабул қилишга қараб гипогликемия хавфини баҳолаш" боб ости бўлимида барча беморлар қабул қилинаётган препаратларга кўра бир неча гуруҳга бўлинган. TBR 4% дан ошган ҳолатда, бемор GPO+ гуруҳига қўшилган.

Амалга оширилаётган терапияни таҳлил қилиш қуйидагиларни кўрсатди:

46 нафар бемор (27,3%) монотерапияда, булардан 22 нафари (47,8%) метформин монотерапиясида бўлиб, 9 таси (19,6%) сульфонилмочевина препаратларини, 8 таси (17,3%) ДПП-4 ингибитори препаратларини, 7 таси (15,2%) ГПП-1 агонисти препаратларини қабул қилган.

82 нафар бемор (48,8%) дуал терапияда бўлган. Шу билан бирга, дуал терапиянинг бир қисми сифатида метформин 39 (47,5%) ҳолатда, сулфонилурия препаратлари 10 (12,2%) ҳолатда, ДПП-4 ингибитори 15 (18,3%) ҳолатда, ГПП-1 агонисти препаратлари 9 (10,9) ҳолатда, SGLT-2 9(10,9%) ҳолатда беморларда қўлланилган.

95 нафар беморда (56,5%) триал терапия ўтказилган. Улардан 31 нафари (32,6%) ҳолатда метморфин, 18 (18,9%) ҳолатда сульфонилмочевина препаратлари, 25 (26,3%) ҳолатда ДПП-4 ингибитори, 9 (9,4%) ҳолатда ГПП-1 агонисти қўлланилган бўлиб, SGLT-2 12 беморда (12,6%) қўлланилган.

Гипогликемиянинг маълум бир препаратлар гуруҳини қабул қилиш билан боғлиқлигини ўрганиш гликемиянинг узоқ муддатли мониторинги натижаларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Шундай, узоқ муддатли мониторинг натижаларига кўра, гипогликемия эпизодларининг частотаси препаратлар комбинациясидан катъий назар метформин гуруҳида юқори бўлган ва 35 (38,0%) ҳолатда кузатилган, қолган 57 (62%) ҳолатда гипогликемия частотаси бутун кузатиш даври мобайнида 4% дан ошмаган ($\chi^2=6,15$; $p=0,01$).

Метформин гуруҳидаги гипогликемия эпизодларининг частотасини ўрганиш шуни кўрсатдики, у монотерапия сифатида 3 (13,6%) беморда қўлланганда, гипогликемия эпизодлари частотасининг 4% дан ортиши кузатилган, 19 (86,3%) ҳолатларда TAP 4% дан ошмаган. Дуал комбинация

